

## ТАРЖИМАШУНОСЛИК

УДК 81.25

### ФОНЕТИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ХУСУСИДА



**Носир Мансурович ҚАМБАРОВ**

Профессор

Таржимашунослик назарияси ва

амалиёти кафедраси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университети

[uswu@yandex.com](mailto:uswu@yandex.com)

#### Аннотация

Мазкур мақолада таржима трансформацияларнинг анъанавий турларига муносабат билдирилган, лексик, грамматик трансформациялар ичида фонетик трансформациянинг мавжудлиги кўрсатиб берилган ва аниқ мисоллар ёрдамида асосланган. Таржима муносабати билан алоқага киришган тиллар фонетик тизимидаги ўзгаришлар таржимада сўзларни транскрипция ва транслитерация қилишда ҳам ўз аксини топади.

**Калит сўзлар:** фонетик трансформация; таржима трансформациялари; транскрипция; транслитерация; ҳарф; товуш; атоқли отлар; географик номлар; лингвокультурологик хусусиятлар; амалий транскрипция; контекст; хушоҳанглик (эвфония).

### К ВОПРОСУ О ФОНЕТИЧЕСКИХ ТРАНСФОРМАЦИЯХ И ИХ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ

**Насир Мансурович КАМБАРОВ**

Профессор

кафедра теории и практики переводоведения

Узбекский государственный университет мировых языков

[uswu@yandex.com](mailto:uswu@yandex.com)

#### Аннотация

В данной статье автор разбирает традиционное толкование переводческих трансформации и высказывает свое мнение по отношению к этим понятиям, показывает их отличительные черты, выделяя фонетическую трансформацию как отдельный вид, при этом доказывает это яркими примерами. Особенности фонетических систем языков, соприкасающихся при переводе, находят отражение в практической транскрипции и транслитерации.

**Ключевые слова:** фонетическая трансформация; переводческие трансформации; транскрипция; транслитерация; буква; звук; имя собственное; географические названия; лингвокультурологические особенности; практическая транскрипция; контекст; эвфония (благозвучие)

## ON PHONETIC TRANSFORMATIONS AND THEIR LINGUOCULTURAL PECULIARITIES

**Nasir KAMBAROV**

Professor of the Translatology Theory  
and Practice Department  
Uzbekistan State University of World  
Languages  
[uswu@yandex.com](mailto:uswu@yandex.com)

### Abstract

The present article deals with traditional interpretation of the notion “translation transformations” and the author expresses his own attitude towards these notions, underlines their peculiarities and makes a phonetic transformation as a separate one, proving it scientifically by giving some vivid examples. The peculiarities of the phonetic systems of the languages, which come into contact due to translation, are reflected in practical transcription and transliteration.

**Keywords:** phonetic transformation; translation transformations; transcription; transliteration; letter; sound; proper name; geographical names (toponyms); linguocultural peculiarities; practical transcription; context; euphony.

Соҳа бўйича аксарият адабиётларда таъкидланишича, таржима трансформациялари орасида фонетик трансформациядан кўра фонетик усул ҳақида гапириш маъқул кўрилади.

В. Н. Комиссаров таржима трансформацияларини иккига – лексик ва грамматик турларга ажратади. Олимнинг таснифига кўра, лексик трансформацияларнинг асосий турлари ўз ичига қуйидаги усулларни олади:

- 1) таржима транскрипцияси ва транслитерацияси;
- 2) калькалаш.

Таржима транскрипциясининг асосий вазифаси аслият тилидаги сўзни таржима тилидаги сўз талаффузига (транскрипция) ҳамда сўзнинг ёзилишига (транслитерациясига) асосланган фонетик трансформацияси киради. Таржимада транслитерация ва транскрипция аралаш келадиган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, *Уильям, Вильям* сўзлари. Булар одатда атоқли отлар, географик номлар, ташкилот, меҳмонхона ва шу кабилар номларини берилишида кенг қўлланади.

Калькалаш аслият лексик бирликларини унинг таркибий қисми – морфема ёки сўзнинг унинг лексик муқобилини таржима тилида берилиши (масалан, green реасе грин пис).

Бизнингча, трансформация деган тушунча ўзгартиришни назарда тутганлигини ҳисобга олиб, назарий жиҳатдан транскрипция ва транслитерацияни фонетик трансформация деб аташ мақсадга мувофиқдир, чунки транслитерацияда ҳарф, транскрипцияда товуш ўзгартирилади. Тор ва амалий маънода транскрипция ва транслитерацияни усул, кенг маънода, юқорида айтганимиздек, трансформация деб тушуниш айтиш муддао бўлади.

Чунки аксарият ҳолларда транскрипция ва транслитерацияни қўллашда ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларга дуч келамиз. Фонетик трансформация таржимашуносликда терминлар сонини кўпайтириш учун эмас, балки таржимашуносликнинг фонетикага оид муаммоларни ижобий ҳал этишга қаратилган ва у амалий таржима билан назарий таржимани бир-бирига яқинлаштириб, ҳамоҳанг олиб бориш имкониятини вужудга келтиради.

Фонетик трансформациянинг транслитерация тури таржима муносабати билан контактга кирган тиллар ҳарфлари тизимидаги фарқларни иложи борича таржима тили ҳарфларига яқинлаштиришни амалга оширишда қўл келади.

Транскрипция эса таржима муносабати билан контактга кирган икки тилнинг товуш тизимидаги унли ва ундош товушларни таржимада иложи борича аслиятдаги товушга яқинлаштириш, апроксимация таъсирини ҳосил қилишни назарда тутди.

Аслият матнидаги ҳарф ва товушнинг таржима тилида муайян даражада аслиятга “мос келиши”, умуман олганда, сўз ва сўздаги ҳарф ва товуш ўхшашлигини таъминлаши охир-оқибат сўзнинг эквивалентлиги, гапнинг муқобиллиги ва матн мазмунининг адекватлиги, таржиманинг маромига етганлигидан далолат беради.

Таржима қийинчиликлари унинг мазмунини тўлиқ бериш билан бевосита боғлиқ. Асосий қийинчиликлар тилларнинг турли гуруҳларга тааллуқли бўлиши, лингвистик муаммолар нуқтаи назаридан фонетик фарқлар (исмлар, яъни атоқли отлар, географик номлар, ташкилот, идора ва муассаса номлари, кема номлари, товар номлари ва бошқалар), иккинчи қийинчилик тилдаги сўз маъноларини турлича бўлиши (бир тилда сўзнинг бир маъноли, иккинчи тилда сўзнинг кўп маъноли бўлиши ёки аксинча), сўз қатламларининг икки тилда бир-бирига услубий жиҳатдан тўғри келмаслиги, грамматик жиҳатдан сўз туркумларининг ҳам сон ҳам сифат жиҳатларидан мос бўлмаслиги, сўз тартибининг фарқланиши ва бошқа хусусиятларни айтиб ўтиш мумкин.

Аслиятда ёзилган асарни, оладиган бўлсак, масалан, таржимон биринчи навбатда уни ўқиб чиқади, матннинг мазмуни ва тематикаси билан танишади,

ундаги исмлар, жой номлари, географик номлар, идора, ташкилот, муассаса номларига аҳамият берди.

Сўнги йиллари аксарият тил ҳодисалари лингвокультурологик ҳамда когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этила бошланди. Шу муносабат билан мазкур фикр биринчи навбатда таржимашуносликка ҳам тегишли деб айтиш жоиз. Чунки таржимашунослик миллий менталитет, миллий маданият, миллий тил, миллий тил хусусиятлари ва шу каби ҳодисаларни таржимада қай даражада сақланишини ҳисобга олади.

Таржимашуносликда амалий транскрипция тушунчаси мавжуд бўлиб, атоқли отларни муайян анъаналар, қонун-қоидалар асосида ўзбек тилида бериш одат бўлган. Албатта, амалий транскрипция қонун-қоидаларида истисно ҳолатлар ҳам учраб туради. Амалий транскрипция тилнинг товуш жиҳатини, аниқроқ айтсак, унинг фонема таркибий қисмига йўналтирилган бўлиб, унда ҳарфларнинг мос келиши, яъни транслитерация элементлари ҳам мавжуд.

Инглиз тилининг товуш тизими ҳарфларнинг ёзилиши ва ўқиши ўрасида катта тафовут бўлганлиги учун ўзбек тили товуш тизимига нисбатан анча мураккаб ҳисобланади. Инглиз атоқли отларини амалий транскрипция ёрдамида ўзбек тилида бериш ҳам таржиманинг мураккаб жараёндир. Чунки инглиз тилида ўзбек тилида мавжуд бўлмаган бир қатор унли ва ундош товушлари мавжуд. Инглиз унли ва ундошлари ҳамда ўзбек унли ва ундош товушлари ўрасида миқдорий ва сифатга тегишли (дифференциал белгилар) фарқ мавжуд. Масалан, инглиз тилидаги *Tom* ҳамда ўзбек тилидаги *том* сўзларини олайлик (Бу ўринда мисоллар фақат талаффуздаги фарқни кўрсатиш учун олинди, чунки ҳар икки тилда ҳам бири атоқли ва иккинчиси турдош от бўлса-да, товушлар бири-бирига мос тушади). Бу икки тилдаги сўзларда унли ва ундошларда қўлланилган ҳарфлар миқдори фарқ қилмайди. Бироқ сўзлар талаффузида катта фарқни сезиш мумкин. Инглиз тилидаги “*t*” ҳарфи [t] портловчилик хусусиятига эга жарангсиз тилолди ундош товушини ифодалайди. Ўзбек тилидаги “*т*” ҳарфи [t] товушини ифодаласа-да, унда инглиз тилидаги каби портловчилик хусусияти йўқ. Инглиз тилидаги “*o*” ҳарфи тил олди қисқа [o] унлисини ифодалайди. Ўзбек унлиларига қисқалик-узунлик дифференциал белгиси хос эмас. Сўздаги учинчи “*m*” ҳарфи [m] сонантини ифодалайди, бу товуш ўзбек тилидаги “*м*”га нисбатан мусиқалироқ, яъни унлига ўхшаб талаффуз этилади. Бу ерда таъкидламоқчи бўлган фонетик ҳодиса – икки тилдаги товушлар бир хил кетма-кетликда келса ҳам улар ўртасида бир қанча фонетик ва фонологик фарқлар мавжудлигини кўрсатишдан иборат эди.

Маълумки, инглиз тилида ўзбек тилида (биз бу ерда кирилл ёзувини назарда тутяпмиз – таъкид бизники) мавжуд бўлмаган қуйидаги ҳарф ва ҳарф бирикмалари мавжуд: 1) ҳарфлар – *q, w, x*; 2) ундош ҳарф бирикмалари – а) *ch, gh, th, ph, tch, wh, zh*; б) унли ҳарф бирикмалар – *ai, ay, ea, ee, ey, er, ir, yr, ur* ва бошқалар. Айнан шу ҳарфлар ва уларнинг сўз бошида, ўртасида, охирида, урғули ва урғусиз бўғинда келишида/ўқилишида ҳамда бошқа тиллардан кирган сўзларни таржимада амалий транскрипцияда бериш, бир томондан, муаммо туғдиради, иккинчи томондан, айти атоқли отнинг бир нечта вариантлари пайдо бўлишига ва чалкашликларга сабаб бўлади. Бунинг учун турли даврларда таржима қилинган исмларнинг таржимадаги амалий транскрипциясини қиёслаш кифоя бўлади. Тўғри, бунда даврнинг таъсири, ёзувнинг тури, талаб ва шу кабиларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Олдиндан бир фарзани илгари сурайлик. Бу илмий фаразга кўра, инглиз тилида қанча ҳарф ёки товуш бўлмасин, атоқли отларнинг амалий транскрипциясида ўзбек тили фонетик тизимидан келиб чиқиш зарур. Инглиз тилидаги дифтонг, чўзиқ ва тил оралиғи товушларини транскрипция қилишда ўзбек тилининг фонетик имкониятларидан келиб чиқиш лозим. Бунда фақат амалий транскрипциянинг ўзи кифоя қилмаслиги мумкин. Инглиз тилидаги атоқли отларни ҳам транскрипция, ҳам транслитерация қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, чунки ўзбек тилида ҳарф билан товуш сон жиҳатдан деярли тўлиқ тўғри келади.

Ўзбек тилидаги атоқли отларни инглиз тилига амалий транскрипция қилишда ҳам ҳануз ҳал этилмаган, ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб муаммолар мавжуд.

Бу соҳада ҳали ўзбек атоқли отларини амалий транскрипция қилиш бир тизимга тўлиқ солинмаганлиги учун ҳозиргача юридик ҳужжатларда, масалан, паспортларда чалкашликлар, ноаниқликлар учраб туради. Ўзбек тилидан инглиз тилига амалий транскрипция қилишда қуйидаги ҳарфлар инглиз тилида бўлмаганлиги учун муаммо туғдиради: *ў, қ, з, х, х, ь*. Айнан шу ҳарфларни инглиз тилига транскрипция қилганда хилма-хиллик учрайди. Масалан, таркибида “*х*” ва “*ҳ*” ҳарфлари бўлган атоқли от (фамилия, исм, шариф)ларда инглизча транскрипцияда фарқ кўрсатилмайди. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, чунки шу исмларни инглиз тилидан қайтариб ўзбек тилига транскрипция қилганда, элементли ёки юмшоқ “*ҳ*” қаттиқ “*х*”га айланиб қолади. Ўзбек тили имлоси қоидасига биноан бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Масалан: *Хулкар* – *Khulkar*; *Ҳамуда* – *Hamida*. Инглиз тилидаги таркибида “*h*” ҳарфи бўлган исмлар аксарият ҳолларда ўзбек тилига “*ҳ*” ҳарфи билан транслитерация

(транскрипция) қилинади, бироқ авваллари рус тилининг таъсирида транслитерацияда “z” ҳарфидан фойдаланилган: *Henry* – *Генри*, ҳозирда *Ҳенри*; *Hamlet* – *Гамлет*, ҳозирда эса – Ҳамлет. Юқорида келтирилган *Henry* атоқли оти ўзбек тилига Анри деб ҳам транскрипция қилиниши мумкин. Бунда бу исм инглиз матнида француз шахсининг исми сифатида қўлланган бўлади. Буни фақат контекст орқали аниқлаш мумкин. Агар гап қирол оиласи ҳақида борса, унда *Henry* атоқли оти ўзбек тилига *Генрих* тарзида транслитерация қилинади. *Henry* атоқли отини ўзбек тилида бериш учун нафақат транскрипция, балки транслитерациядан ҳам фойдаланилади.

Ўзбек тилидаги араб тили таъсирида мавжуд бўлган “ъ” (айириш) белгиси аксарият ҳолларда транслитерацияда белги бўлгани учун тушириб қолдирилади. Бироқ араб тили орқали туркий тилларда қўлланадиган Куръон сўзи инглиз тилида араб тилидан тўғридан-тўғри транслитерация йўли билан қабул қилинган *Qur'an* ҳамда куръон сўзининг Европада, аниқроғи Англияда қабул қилинган *Koran* шакллари мавжуд. Бу дегани баъзи ҳолларда “ъ” белгиси араб тилидан кирган сўзларда, тарихий сўзларда тутиқ белгиси [‘] билан транслитерация қилинади, чунки у ерда бўғиз товушининг мавжудлиги диакритик белги сифатида берилади.

Баъзи ҳолларда эвфония, яъни ҳушоҳанглик нуктаи назаридан юқорида тилга олинган қонун-қоидадан чекланишга тўғри келади. Масалан, ўзбек тилидаги Исҳоқ атоқли отини инглиз тилига қоидага амалиб қилиб транскрипция/транслитерация қилганда қуйидаги сўз пайдо бўлади: *Ishak*. Бу сўз, биринчидан, ўзбек тилининг лотин ёзувида одамнинг эмас, балки, биринчи навбатда, уй ҳайвонининг номини эслатади. Бундай ҳолатда ҳушоҳанглик нуктаи назаридан “ҳ” ҳарфини инглиз тилида “h” ҳарфи билан эмас, балки “kh” ҳарф бирикмаси билан бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбек тилининг лотин алифбосига асосланган матнларда бу масалани ижобий ҳал этиш учун уринишлар бўлган. Шулардан бири “s” билан “h” ўртасида тутиқ белгиси [‘] қўллаб келинаётгалигидир.

Инглиз тилидаги *Isaac* атоқли оти ўзбек тилига фақат *Исаак* шаклида эмас, балки контекстга қараб, агар у Америка фантаст ёзувчиси бўлса – *Айзек*, диний контекстда эса – *Исҳоқ* деб транслитерация қилинади.

Ўзбек исмлари ёки атоқли отларини таржимада амалий транскрипция қилишда муаммога сабаб бўладиган ҳарфлар сирасига юқорида айтиб ўтганимиздек *қ*, *ғ* ҳарфлари киради.

Ўзбек тилидаги “қ” ҳарфи ва айни пайтда товуши инглиз тилига “k” ва “q” ҳарфлари билан берилади. Ҳозир замондаги ўзбек атоқли отлари [k] ҳарфи билан

транслитерация қилинади: **Қудрат – Kudrat**; географик (қитъа, дарё, денгиз, шаҳар) номларида **Самарқанд – Samarkand**. Эътибор беринг XIV–XVIII асрда туркий номларда (араб тили таъсирида) “қ” ҳарфи инглиз тилига “q” ҳарфи билан, масалан: **Samarqand, Qudrat** тарзида транслитерация қилинган. Ўзбек тилидаги “қ” ҳарфининг инглиз тилидаги иккинчи шакли сўзнинг тарихий эканлигидан ва айна исм ёки шаҳар номи таржима матнида анча аввал ўгирилиб қўлланилаётганлигидан далолат беради. Шу пайтгача анъанавий шаклига эга бўлган географик номларни тилга олиб ўтишимиз мумкин. Булар, масалан, **Iraq, Iraqī** араб географик номларини айтиш мумкин.

Худди шу фикрни ўзбек тилидаги “ғ” ҳарфининг транслитерацияси ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ўзбек тилидаги “ғ” ҳарфи инглиз тилига “gh” ҳарф бирикмаси ёрдамида берилади, бироқ сўз бошидаги “ғ” ҳарфи инглиз тилида “g” ҳарфи билан берилиши ўзбек таржима амалётида анъанага айланган. Таркибида “ғ” ҳарфи бўлган барча мусулмон атоқли отлари инглиз тилида “gh” билан берилади. Масалан: **Ulughbek, Samigh, Maghrur**.

Бироқ шу пайтгача ўзбек исмлари таркибидаги “ғ” ҳарфи рус тилининг таъсири остида аксарият ҳолларда “g” билан бериб келинмоқда. Ҳозирги кунда шу ҳарфларни атоқли отларда чалкаш берилишининг асосий сабаларидан бири – шу.

Инглизча атоқли отларни ўзбек тилида беришда кўпроқ транскрипция ва ўзбек тилидаги атоқли отларни инглиз тилида беришда эса кўпроқ транслитерация қўлланиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозир кунда бу соҳада мавжуд ноаниқликлар ва чалкашликларга ойдинлик киритиш юридик ҳужжатларда атоқли отлар – шахсинг исми, фамилияси, отасининг исмини бир хил стандартда берилишини таъминлайди. Инглизча атоқли отларни рус тилига транскрипция ва транслитерация қилишни ўзбек тилига кўр-кўрона кўчириш унинг имло қонун-қоидаларига зид бўлиб, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишга тўсқинлик қилади. Инглиз тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан инглиз тилига транскрипция/транслитерация қилишда ҳар бир тилнинг фонетик хусусиятларини ва лингвокультурологик жиҳатларини инобатга олиш, тил имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М.: Высш. школа, 1990. – 253 с.

**REFERENCES**

1. Komissarov V.N. *Teorija perevoda (lingvisticheskie aspekty)* (Translation theory (linguistic aspect)), Moscow: Vyssh. shkola, 1990, 253 p.